


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 27 (10.836)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар



### Кечка сатрларда

- **БУГУН** «Тенгдош» маданият уйида «Жаҳонни кезган шоир» мавзусида Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ижоди ва фаолиятига бағишлаб ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури ҳамза туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.
- **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида буюк шоир Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллигига бағишланган «Ғазал ва сўз мулкисининг сўлини» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.
- **БУГУН** Мирзо Улуғбек туман ўқувчилар ижодиёт марказида туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган икtidорли болалар анжумани «Камалак — 2007» деб номланди.
- **БУГУН** Тошкент Давлат юридик институтида, Тошкент Давлат ислом университетида, Тошкент Давлат шарқшунослик институтида, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида 1 февралдан 1 мартгача эълон қилинган «Наркотик моддаларнинг ёшлар орасида тарқалишига қарши кураш» олийги доирасида талабаларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан учрашувлари уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

### Қарор ва ижро ЭП САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 14 ИЮЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «МАҲАЛЛИЙ ДОРИ-ДАРМОН ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҲАМДА ТИЗИМНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАТОР МЕЪБЭРИЙ ҲУЖЖАТЛАР СОҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲЛАРНИ ЯНАДА ЧЎҚУРАШТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР.**



Дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва фармацевтика саноатини янада ривожлантиришда «Ўзфарманоат» давлат-акциядорлик концернининг алоҳида ўрни бор.

Концерн ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, фармацевтика бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдирishi, соғувчи ва харидор ўртасида ўзаро манфаатдорликка эришиш мақсадида бир қатор кўрғазма ва ярмаркалар ташкил этди. Бу тадбирларда элликан ортик маҳаллий ҳамда чет эл компания ва фирмалари катнашди.

Маҳаллий хомаш ресурсларидан янада кенгроқ фойдаланиш мақсадида Тошкент вилоятининг Паркент туманида «Доривор ўсимликлар» масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. Бу ерда мойчек, тирноқгул, ялпиз, арслонқуйрук, наъматак,

дўлана каби бир қатор шифобахш ўсимликлар етиштирилмоқда.

«Ўзфарманоат» давлат акциядорлик концерни 24 та корхона ва ташкилотни бирлаштиради. Шунингдек, Буюк Британия, Туркия, Россия ва бошқа қўллаб чет эллик ҳамкорлар билан бирга ташкил этилган «Универсалфарм», «Сарбонтекс», «Новофарма плюс», «Фарм Гласс», «Юнимед», «Трейдингфарм», «Нобель Фарманоат», «Алтайвитамины FPI» каби бир қатор қўшма корхоналар ҳам фаолият юритмоқда.

Тизимда фаолият олиб бораётган корхоналар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган. Улар зamon талабларига мос ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бермоқда.

«Ўзфарманоат» концерни мамлакатимиз мустақиллигининг илк даврида, 1993 йилда ташкил этилган эди. Уша пайтда

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари 81 тани ташкил этган бўлса, бугун бу кўрсаткич 400 дан ошиб кетди. Концерн иш бошлаган йили 44,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 34 миллиард сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши соғлиқни сақлаш ва республика аҳолисининг энг зарур дори воситаларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш даражасини оширмоқда.

Маҳсулот турларининг кўпайиши, халқаро стандартларга жавоб берадиган сифат кўрсаткичлари экспорт ҳажмини оширишга имкон яратди. Утган йили экспорт ҳажми ўн миллион АҚШ долларидан орtdи. Айни пайтда корхона маҳсулотлари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Грузия, Чехия, Германия каби бир қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ,  
ЎЗА мухбири

## ЯНГИ ҚОНУН — ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁРҚИН МИСОЛИДИР

Хорижий мутахассислар мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан имзоланиб, 2007 йил 4 январда қўлга киритилган «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини шарҳлашда давом этмоқда. Ушбу муҳим ҳужжат юзасидан фикр билдириб, «Фридрих Шлее Академияси» жамоат ташкилотли директори ўринбосари доктор Й.Люк (ГФР) жумладан бундай деди: «Янги қонуннинг асосий устуникликлари унинг саккизинчи моддасида акс эттирилган қондаларни киритиши мумкин. Уларда, хусусан давлат томонидан нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг (ННТ) аxbорот излаш, олиш, тадқиқ этиш, ундан фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқининг таъминланиши кўзда тутилган. Қонун давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат ташкилотлари (ННТ) ва уларнинг ходимларида фаолият юритишга қўлқилиш борасидаги мажбуриятларини аниқ белгилаб берган. Ушбу ҳужжат давлат ва нодавлат сектори ўртасидаги алоқаларни янада яхшилашга қаратилган. Субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар бериш каби механизмлар давлат муассасалари билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик самарасини оширишга хизмат қилади.

Франциядаги энг нуфузли адвокатлик компанияларидан бирининг ҳуқуқни амалиётга татбиқ этиш бўйича юридик бошқармаса директори А.Буана қуйидагиларга эътибор қаратади:

«Хар қандай давлатда демократик институтларни ривожлантириш жараёни нодавлат ташкилотларининг мамлакат ижтимоий институтлари тизимидаги ўрни ва аҳамиятини қайта идрок этишга хизмат қилиши керак. Шу боис қабул қилинган мазкур қонун ҳуқуқий давлатнинг муҳим институтлари бўлган нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини химоялашнинг ишончли воситасига айланади. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши, шубҳасиз, ижтимоий-сиёсий ҳаёттаги ислохотларни амалга ошириш ва умуман жамиятни модернизациялашдаги босқичма-босқич ва оқилона ёндашув натижасидир. Давлат томонидан ННТ ҳуқуқларини ижроия ҳокимияти органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан химоялашнинг барча кафолатлари яратилган. Бу эса ўз навбатида жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Испания қироллигининг Франциядаги элчихонаси сиёсий масала-лар бўйича маслаҳатчиси К.Руиз де Веласконинг таъкидлашича, Ўзбекистонда қабул қилинган «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонун давлат томонидан ННТга кўрсатилаётган қўлқилишнинг ажралмас қисми ва мамлакат демократик тараққиётининг муҳим омилидир. У ННТлар фаолиятининг ижтимоий йўналишларининг рағбатлантириши ва мувофиқлаштириши. Айтиш жоизки, мазкур қонун моддаларига етарли даражада амал қилиниши ушбу ташкилотларнинг ижтимоий фаолиятини эркинлаштириб, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва химоялашнинг қонуний кафолатларини яратди. Мамлакат ҳуқуқати томонидан кўрсатиладиган бундай ёрдам ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий-фанлар академиясининг Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё институти Марказий Осиё сектори мудри Сунь Чжунжон:

«Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва ижтимоий тараққиётининг муҳим ҳужжатидир. Мамлакат миллиятлараро ва динлараро тотувлиқни таъминлашга хизмат қилувчи ислохотларни амалга оширишнинг ўз йўлини танади. Янги қонун бунинг ёрқин тасдиғи бўлиб, мен унинг қуйидаги жиҳатларини алоҳида қайд этишни истардим.

Биринчидан: давлат қонунчилиқка мувофиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг аxbорот излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқини таъминлайди. Бундан ташқари, интеллектуал фаолиятнинг объектив акс этган натижалари ва уни индивидуаллаштириш воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам кафолатлайдики, бу юқорида айтиб ўтилган ташкилотлар эркин ва мустақил равишда ишлаши учун имконият яратди.

Иккинчидан: давлат субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар шаклида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятига қўлқилиши мумкин. Қатор

мамлакатларда фаолият юритаётган қўллаб бундай тузилмалар хорижий ташкилотлардан молиявий ёрдам олиб, асосан ҳуқуқатта қарши қаратилган фаолият билан машғул бўлиб турган бир пайтда Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ННТларнинг ривожланиши учун асос ва имкон яратиб, улар билан ҳуқуқат ўртасида яқин алоқалар ўрнатишига хизмат қилади».

Германиялик сиёсатшунос-журналист Ф.Хааннинг таъкидлашича, айни пайтда қатор давлатларда трансмиллий ННТ ва улар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган маҳаллий ташкилотлар фаолиятининг очик-ойдинлигини таъминлашга қаратилган интилишлар кузатиламоқда. «Бу эса глобаллашувнинг зиддиятли жараёнилар шариоитида давлатларнинг ўз мустақиллигини ташқи ва ички таъжовулардан химоялашга қаратилган қадамидир»,—деди у.

«Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши демократик жамиятни барпо этишда катта аҳамиятга эга бўлган нодавлат ташкилотлари фаолиятининг рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда жуда муҳимдир. Демократик давлатчилик тарафдорларига айланган дунёнинг қўллаб мамлакатларида ҳозирга қадар ННТ фаолиятини кафолатловчи бундай қонун ҳужжатлари мавжуд эмас,—деди Кенгидо провинциясида (Корея Республикаси) янги «Сэмаил» кишлоғини қуриш бўйича Ҳаракат бош бошқарувчиси Ким Чжонг Су.

«Онунри» ноҳуқуқат жамғармаса (Корея Республикаси) раиси Пак Ён Суннинг фикрича, янги қонун Ўзбекистон раҳбариятининг демократик қадриятларга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди: «Ноҳуқуқат ташкилотлари фаолиятининг субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар воситасида хар томонлама қўллаб-қувватланиши давлат томонидан бу тузилмаларнинг бир маромда фаолият юритишини таъминлашда жуда муҳим омилдир. Бу эса уларга ўзлари белгилаган мақсадларга бевосита эътибор қаратиш ва ёрдамга муҳтож бўлганларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Ўзбекистонда «Ижтимоий химоя йили», деб эълон қилинган 2007 йилда эса бу айниқса долзарб аҳамиятга эга».

## 9 февраль — Алишер Навоий туғилган кун

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ. У РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРБИЁТ МАРКАЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, ФАЛЛАР АКАДЕМИЯСИ, АБДУЛЛА АВЛОВНИ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**



## БҮЮК МУТАФАККИРНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Анжуманда сўзга чиққан Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳошимов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, навоийшунос олим А.Қаюмов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий-маънавий меросимизни чуқур ва мукамал ўрганиш, асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига етказишга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидладилар. Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ буюк бобоқлонимиз Алишер Навоий ижодини пухта ўрганиш, шоир асарларининг тўлиқ ва мукамал тарзда нашр этилиши, таълим дастурларида ҳаёти ва маънавий меросини ёшлар онгига чуқур сингдиришга қаратилаётган эътибор бунинг ёрқин далилидир.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда мустақил она-Ватанимизда амалга оширилаётган кенг қўламли зғу ишларда Алишер Навоийнинг ўлмас сатрлари, умрбоқий ўғитлари муҳимдир. Ҳозир нафақат мамлакатимиз, балки бир қатор хорижий давлатларда буюк бобомизга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида маҳобатли ёдгорликларнинг қад ростлаши, асарларининг жаҳоннинг қўллаб халқлари тилида чоп этилиши шонли тарихимиз, қадимий маданиятимизга дунё миқёсидаги қизиқишнинг тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Анжуманда Алишер Навоий асарларининг инсониятни эзгуликка қорлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялашда аҳамияти хусусидаги маърузалар тингланди. Шоир ғазалларидан намуналар ўқилди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаларининг мусиқий дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## ЖАҲОНДА

- Украина Олий Радаси мамлакатдаги мавжуд газ транспорти тизимини сотиш, ижарага бериш ва хусусийлаштиришни таъқиқлади.
- Франция Ташқи ишлар вазириги биносида БМТ Бош ассамблеяси томонидан маъқулланган, маъмурларга кишиларни махфий равишда хибсга олишни таъқиқловчи халқаро битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу халқаро ҳужжатни жаҳоннинг 57 мамлакати имзолади.
- Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт икки ҳафтадан сўнг Фаластин Мухторияти раҳбари Махмуд Аббос ва АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс билан учрашганини билдирди. Мазкур учрашувда икки томонлама тинчлик музокараларини тиклаш масаласи муҳокама қилинади.
- Жанубий Уэльсининг Суонси шаҳридаги ҳайдовчилик ва автомобиль гувоҳномаларини бериш бўйича бошқармада почта бўйича жўнатилган хат портлади. Портлаш натижасида аёл киши жараҳатланди. Бу ўтган уч кун давомида Буюк Британияда рўй берган шундай йўналишдаги учинчи ҳодисадир.
- Кеча Екатеринбургдаги мебель фабрикасида чиққан кучли ёнғин 12 кишининг ҳаётига зомин бўлди, бир неча ўнлаб кишилар жараҳатланди. Уни фақат олти соатдан кейингина жиловлаган муваффақ бўлинди.
- Индонезия пойтахти Жакарта шаҳридаги сув тошқинлари оқибатида ҳаётдан қўз юмганлар сони 50 кишига етди. Ҳозирда сув сатҳи аста-секин пасаяётган бўлса-да, метеорологларнинг маълумотларига кўра ёмғирлар яна бир неча кун давом этади.
- Япониянинг Осака шаҳрида роботлар клиникаси очилди. Клиникага келтирилган, турли носозликларга эга роботларнинг барчаси оёққа турмоқда.
- Лондондаги энг баланд ва кўркам иншоотлардан бири бўлган бодринг шаклидаги қурилган бино «IVG Immobilien AG» ва «Evans Rondali Investment Management Ltd.» компанияларига 1,2 миллиард долларга сотилди.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 9 февраль кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади.





